



**ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА  
ОИД ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ  
АМАЛИЁТИ ВА НАЗОРАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
МАСАЛАЛАРИ**

**Атаниязов Тўлқин Оралбоевич**

*Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш  
академияси магистранти*

**Аннотация:** Тезисда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг жорий ҳолати таҳлил қилинган. Муаллиф соҳадаги тизимли муаммолар, жумладан, тиббий хатолар, коррупция ва бюджет маблағларининг талон-тороғ қилиниши каби салбий ҳолатларни аниқ мисоллар билан ёритиб берган. Тадқиқотда анъанавий назорат усулларида воз кечиб, назорат жараёнига замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллектни жорий этиш орқали назорат самарадорлигини ошириш таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** Прокурор назорати, оналик ва болалик, тиббий хато, рақамлаштириш, сунъий интеллект.

**Аннотация:** В тезисе анализируется текущее состояние прокурорского надзора за исполнением законодательства в сфере охраны здоровья матери и ребенка. Автор на конкретных примерах освещает системные проблемы в данной области, включая медицинские ошибки, коррупцию и хищение бюджетных средств. В исследовании предлагается повысить эффективность надзора путем отказа от традиционных методов и внедрения современных информационных технологий и искусственного интеллекта в процесс надзорной деятельности.

**Ключевые слова:** Прокурорский надзор, материнство и детство, медицинская ошибка, цифровизация, искусственный интеллект.

**Abstract:** The thesis analyzes the current state of prosecutorial supervision over the implementation of legislation in the field of maternal and child health protection. The author uses specific examples to highlight systemic problems in this area, including medical errors, corruption, and embezzlement of budget funds. The study suggests increasing the effectiveness of supervision by moving away from traditional methods and introducing modern information technologies and artificial intelligence into the supervisory process.

**Key words:** Prosecutorial supervision, motherhood and childhood, medical error, digitalization, artificial intelligence.

Тадқиқот мобайнида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати амалиётини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, соғлиқни сақлаш органлари томонидан фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизматлар сифатини янада ошириш, аёллар ва болалар репродуктив саломатлигини сақлаш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий кадрлар салоҳиятини ошириш, эпидемиологик барқарорликни сақлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Шу билан бирга, ушбу соҳада чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамадан, тизимли муаммолар, хато-камчиликлар ва қонунбузарликлар ҳамон сақланиб қолмоқда.

Хусусан, маълумотларга кўра, 2025 йилда Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида юқумли касалликлар; Самарқандда оналар; Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида гўдақлар ўлими сезиларли ошган.

Айрим шифокорларнинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги инсонлар бевақт вафот этиши ва бошқа салбий оқибатларга сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, Қувасой шаҳар Тиббиёт бирлашмасининг туғруқ бўлими акушер-гинеколог шифокори С.М. ўз касбига бепарволик билан муносабатда бўлиб, ўз вазифаларини бажармаганлиги оқибатида Н.С.нинг чақалоғининг ўлимига сабабчи бўлганлиги учун суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланиб, 4 йил муддатга озодликдан чеклаш ва 3 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тиббиёт ходимлари ўртасида суиистеъмолчиликларга йўл қўйиш, таъмагирлик, порахўрлик, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш каби салбий иллатларга ҳамон барҳам берилмаяпти.

Масалан, фуқароларни ишга қабул қилинишини таъминлаш эвазига Бухоро вилоятида фуқаро М.Ф. вилоят Эндокринология диспансери шифокори П.А. билан жиноий тил бириктириб, фуқаро М.Ҳ.ни алдаб, унинг жиянини вилоят перинатал туғруқхонасига ҳамшира вазифасида ишга жойлаштиришни ваъда қилиб, 1900 АҚШ долларни, фуқаро Н.Л. фуқаро Ф.Р.ни алдаб, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ходими орқали уни РШТЁМ Бухоро филиалига шифокор вазифасига ишга жойлаштириш эвазига 1500 АҚШ долларини олганлиги учун жавобгар бўлган.

Айрим ҳолларда тизим мансабдор шахслари томонидан бюджетдан ажратилган маблағларни талон-торож қилиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Хусусан, Бош прокуратура томонидан Сирдарёда текширилган 8 та тиббиёт муассасасида 6 млрд., Навоийда эса, 18 та муассасада 11 млрд. сўмлик талон-торожлик аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилган.

Прокурор назорати тадбирлари мобайнида шифокорлар томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган клиник протоколлар ва ташхис стандартларига риоя этмаслик, нотўғри дори воситалари тайинлаш ҳолатлари ҳам аниқланган.

Мисол учун, Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида Ҳиндистоннинг “Marion Biotech” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган “Док-1 Макс” сиропини истеъмол қилиш оқибатида камида 69 нафар бола ўткир буйрак етишмовчилигидан вафот этган.

Она ва бола саломатлигини сақлашга ихтисослашган тиббиёт муассасаларида “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонун[1] ижроси аҳволи ҳам талаб даражасида эмас. Чунончи, аксарият даволаш-профилактика муассасаларининг бир маротаба ишлатиладиган тиббий асбоб ва буюмлари билан таъминланиши қониқарсиз ҳолатда.

Прокурор назорати тадбирлари мобайнида кўплаб қонунбузарликлар аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик ва жазо муқаррарлиги таъминланаётганлигига қарамай, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини талаб даражасида деб баҳолаб бўлмайди. Аксарият ҳолатларда қонунбузарликларни олдини олиш билан эмас, унинг оқибатлари билан курашилмоқда. Мазкур муаммога бир қатор салбий омиллар ва сабаблар таъсир кўрсатмоқда.

*Аввало* шуни таъкидлаш лозимки, анъанавий назорат усуллари, яъни фақатгина текшириш ўтказиш ҳозирги давр талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Прокурор назоратига замонавий ахборот технологиялари, айниқса сунъий интеллект технологияларини тезроқ жорий этиш зарур. Бугунги кунда айнан соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни онлайн олиб бориш имконини берувчи назорат платформаси ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли, келгусида “E-Sogliqni saqlash nazorat” платформасини ишлаб чиқиб, SEDO ахборот порталига интеграция қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

*Иккинчидан*, соғлиқни сақлаш, жумладан она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида қонунлар ижроси устидан назорат йўналиши ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назоратнинг долзарб, кенг қамровли ва кўп объектли йўналиши саналса-да, ушбу соҳага масъул прокуратура органлари шахсий таркиби сони кам. Ваҳоланки, муайян туман (шаҳар)да соғлиқни сақлаш соҳасига масъул ташкилот ва муассасалар сони сони кўп (*тез ёрдам, психиатрия, қон қуйиши, амбулатор ва стационар даволаш муассасалари, тузруқхоналар, болалар шифохоналари ва ҳ.к.*). Улар фаолиятининг қонунийлиги туман (шаҳар) прокуратураларида ўртача 1 нафар прокурор ўринбосари ва 1 нафар прокурор (катта) ёрдамчиси томонидан назорат

килинади. Прокурор назоратининг кенг қамровлиги ва амалга ошириладиган иш ҳажмидан, ушбу соҳада назоратни амалга оширувчи прокуратура органлари ходимлари сони етарли даражада эмаслигидан келиб чиққан ҳолда, назорат самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида Бош прокуратуранинг 10.1 – Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси таркибида алоҳида “Соғлиқни сақлаш, жумладан она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат” номли бўлимини ҳамда унинг вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралардаги бўлинмаларини ташкил этиш таклиф этилади.

*Учинчидан*, соғлиқни сақлаш, жумладан она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида қонунлар ижроси устидан назорат вазифаларини сифатли ва тўлиқ бажариш учун эса қўйи прокуратура органларининг эътиборини назорат амалиётида ишларни ташкиллаштириш жараёнида амалга оширишлари лозим бўлган аҳамияти жиҳатидан ўта долзарб масалаларга йўналтирилиши керак бўлади. Фикримизча, ҳозирда ушбу йўналишда прокурор назоратини ташкил этишга қаратилган махсус соҳавий буйруқнинг мавжуд эмаслиги, қўйи прокуратуралар томонидан ишларни режалаштириш ва ташкил этишда, назорат тадбирларини амалга оширишда хато ва камчиликларга, назорат фаолиятини амалга ошириш мобайнида энг аҳамиятли масалаларни ажратиб олишда турлича ёндашувларга сабаб бўлмоқда. Ҳуқуқшунос олим А.Комиловнинг фикрича, прокуратура органларида хизмат қилаётган ёш мутахассислар салмоғининг юқорилиги, туман (шаҳар) прокурорларининг мазкур соҳавий фаолиятга раҳбарлик қилувчи аксарият ўринбосарларининг етарли тажрибага эга эмаслиги, бу йўналишда алоҳида соҳавий буйруқ қабул қилишга бўлган заруратнинг долзарблиги ва аҳамиятини янада оширади. Бош прокурорнинг юқорида қайд этилган 166-сонли буйруғида мазкур йўналишга ажратилган бир неча банд масалани муфассал тартибга сола олмайди[2].

*Тўртинчидан*, прокуратура органлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари ўртасида онлайн ахборот алмашинувини йўлга қўйиш лозим. Чунки, прокурор назорати амалиёти шуни кўрсатдики, ҳозирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида жорий этилган ва амалиётда фойдаланиб келинаётган ахборот базалари прокуратура органларининг ахборот базасига интеграция қилинмаган. Мониторинг ва таҳлил учун зарур бўладиган статистик маълумотлар, ҳисботлар ҳали ҳануз эскича усулда, яъни қоғозда олинмоқда.

Маълумот учун, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида қуйидаги ахборот тизимлари амалиётга жорий этилган:

– “*Электрон соғлиқни сақлаш*” ахборот тизими – тиббиёт соҳасидаги барча тизимларни (жумладан, DMEDни ҳам) бирлаштирувчи ягона Миллий платформа (экотизим)дир. У нафақат “даволаш”, балки “бошқариш” ва

“молиялаштириш”ни ҳам рақамлаштиради: 1) давлат тиббий суғуртаси билан интеграция: Платформа беморнинг даволаниши учун давлатдан қанча маблағ сарфланганини ҳисоблаб чиқади; 2) “Фарма-назорат”: Дори воситаларини ишлаб чиқарувчидан то бемор қўлига етгунча бўлган занжирни (маркировка орқали) тўлиқ назорат қилади; 3) инсон омилисиз статистика: Маълумотлар қўлда эмас, балки пастки бўғинлардан (поликлиникалардан) автомат тарзда йиғилади. Бу ҳисоботларни сохталаштиришга чек қўяди.

– *DMED (Unified Electronic Information System)* – энг асосий платформа бўлиб, унда фуқароларнинг соғлиғи ҳолати ҳақидаги маълумотлар жамланган. У шифокорларга бемор тарихини рақамли кўриш имконини беради. беморнинг тиббий маълумотларини (касаллик тарихи, анализ натижалари, рентген суратлари, рецептлар) турли тиббиёт муассасалари (поликлиника, шифохона, тез ёрдам, хусусий клиникалар) ўртасида хавфсиз ва тезкор тарзда узатишни таъминловчи тизим. *DMED* – “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизими ичида ишловчи энг асосий илова (модуль). У бевосита беморлар ва шифокорлар билан ишлайдиган қисми.

– *Электрон тиббий карта (MED-ID)* – ҳар бир фуқаро учун шакллантирилган бўлиб, тиббий ҳужжатларни (ташхислар, анализ натижалари) қоғозсиз юритиш имконини беради.

– *Электрон рецепт тизими* – шифокорлар дориларни электрон шаклда ёзади. Бу дори воситаларининг асоссиз ёзилишини 40% га камайтирган ва қалбаки дорилар айланмасига чек қўяди.

Бош прокурорнинг 2017 йил 24 ноябрдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли буйруғи[3]да белгиланган касалликлар динамикаси ҳақидаги статистик маълумотларни ҳар ярим йилда таҳлил қилиб, қонунбузилишларни бартараф этиш чораларини кўриб бориш учун эса “Электрон соғлиқни сақлаш” тизимини “*E-Prokuratura*” ахборот тизимига интеграция қилиш лозим бўлади.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самарадорлиги ва таъсирчанлигини кучайтиришнинг энг самарали йўли – эскича ёндашувлардан воз кечган ҳолда, прокурор назоратини рақамли форматга ўтказишдир. Соғлиқни сақлаш вазирлигида юритилаётган “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизими ва унинг муҳим таркибий қисмларини (*DMED, Электрон тиббий карта (MED-ID), Электрон рецепт тизими*) “Прокурор назорати” ахборот тизимига интеграция қилиш орқали прокурор назоратининг оперативлиги ошади, қонунбузарликларни улар ҳали содир этилмасдан ёки ўз вақтида олдини олиш мумкин бўлади, прокуратура

органларида инсон ва вақт ресурсларини тежаш орқали уларни бошқа долзарб йўналишларга йўналтириш имконияти пайдо бўлади.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон.

2. Комилов А.Б. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2020. – Б. 76.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари [Матн] Т.2. – Тошкент: «Тасвир», 2018. – Б. 63-78.